

ШАРТНОМА № 7  
(СИҚИЛГАН ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА)

Ёзёвон тумани

“ 19 ” январь 2022 йил.

Бир томондан «Marg Energo Neft» МЧЖ, келгусида «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» деб номланувчи ўз Низомига асосан иш юритувчи рахбар Исакджанов Хамидулло Хайруллаевич, иккинчи томондан Ёзёвон туман Халқ таълими бўлими келгусида «ИСТЕЪМОЛЧИ» деб номланувчи ўз Низомига асосан иш юритувчи рахбар Юлдашев Фозилжон Хайдарович туздилар ушбу шартномани шу ҳақдаким:

1. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ.

1.11 «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» ўзида мавжуд махсулотни етказиб бериш, «ИСТЕЪМОЛЧИ» эса етказиб берилган махсулот учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади:

Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Йил давомида умумий	Жумладан чораклар бўйича			
			1	2	3	4
Газбаллонли автомобиллар учун сиқилган табиий газ	куб.м.	346	346	0	0	0

1.2. «ИСТЕЪМОЛЧИ» нинг автомобиллини сиқилган газ билан тўлдириш «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» нинг автомобилларга газ тўлдирувчи компрессор станцияси (АГТҚШ) орқали амалга оширилади.

1.3. Етказиб берилган кун деб «ИСТЕЪМОЛЧИ» нинг автомобиллини сиқилган газ билан тўлдирилган кун ҳисобланади.

2. ТЎЛОВ.

2.1. 1 куб метр сиқилган табиий газ учун тўлов ҚҚС билан бирга 2 600 (икки минг олти юз) сўм қилиб белгиланди. Шартнома тузиш вақтида шартноманинг умумий қиймати 899600 (Саккиз юз

Тўқсон тўққиз миляг олти юз) сўм.  
Ушбу сумма хом-ашё, ёқилғи-энергетик ресурсларни нархини ўзгариши, ҳамда меъерий далолатнома ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларини ўзгариши баробарида ўзгариши мумкин.

2.2. Сиқилган газ учун тўлов, қонунда кўрсатилган шаклда, банк қоидаларига риоя қилган ҳолда, етказиб берилаётган кунни декларацияланган нархларини қайд қилиш реестрига асосан амалга оширилади.

2.3. Сиқилган газ тўлдириш 100% ли олдиндан тўлов «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» нинг ҳисоб рақамига ўтказилгандан кейин амалга оширилади.

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. «ИСТЕЪМОЛЧИ» ГБМ (газ балон мослама)ли автомашинани ишлатаётган(эксплуатация) вақтида техник ҳолатига, техника хавсизлигига тўлиқ жавобгардир.

#### 3.2. «ИСТЕЪМОЛЧИ» мажбурияти:

«ИСТЕЪМОЛЧИ» нинг газ тўлдириш учун АГТҚШга келган транспорт воситасида куйидаги меъёрий ҳужжатлар бўлиши шарт:

- А) Газ балони техник синовдан ўтганлиги ҳақида ДАЛЮЛАТНОМА
  - Б) Хайдовчи газ балонли автомобилни бошқаришга ўқитилганлиги ҳақида гувоҳнома
  - В) Автомашинани техник паспортида ДАН органлари томонидан газ мосламаси ўрнатилганлиги тўғрисидаги белги.
  - Г) Автомашинани техник паспортида техник кўриқдан ўтганлиги ҳақида белги.
- 3.3. «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» ва «ИСТЕЪМОЛЧИ» сикилган газни, газ сифimini ўртача кунлик меъёри даражасида бир маромда олиши бўйича барча ўзгаришлар олади. «ИСТЕЪМОЛЧИ» сикилган газни олиши бўйича барча ўзгаришлар тўғрисида «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» ни чорак бошланмасдан 15-кун муддат олдин ёзма равишда хабар қилади. «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» ишлаб чиқариш жараёнида АГТҚШ ни жорий таъмир учун тўхтаган вақтда «ИСТЕЪМОЛЧИ» ни 3-кун олдин, капитал таъмир учун тўхтатишдан олдин иш бошланмасдан 15-кун олдин огоҳлантиради.

#### 3..4. «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» қуйидаги ҳуқуқларга эга :

- А) Автомашинани газбалонли ускунасини ишлашини созлигини, ўлчов-назорат асбоблари ва ёқич арматурасини текшириши.
- Б) «ИСТЕЪМОЛЧИ» газ тўлдириш шахобчаси регламенти қоидаларига бўйин сунмаган ва шартнома шартларини бузган тақдирда сикилган газ тўлдиришни тўхтатиш.

### 4. ГАЗНИ ХИСОБГА ОЛИШ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

4.1. «ИСТЕЪМОЛЧИ» га бериладиган сикилган табиий газ миқдори «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» нинг ўлчов асбобларида, (АГТҚШ) орқали «ИСТЕЪМОЛЧИ» га бериладиган газ миқдори жалвали билан келишилган ҳолда «Ўзбекнефтегаз» МХК томонидан 28.11.95 йили тасдиқланган «(АГТҚШ) дан берилётган газ миқдорини ўлчаш, ҳисоб-китоб қилиш РД Уз 51-034-94 услубига» асосан ҳамда Давлатстандарт қўмитаси томонидан тасдиқланган (13.01.96 йилдаги рнг.№418) ва 12.04.96 йили «ИСТЕЪМОЛЧИ» лар билан (АГТҚШ) орқали берилган газ учун ҳисоб-китоб қилиш қўлланмасига асосан аниқланади.

### 5. ТОМОНЛАРНИ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

- 5.1. Сикилган табиий газни меъёридан ортик олинганда қўшимча шартнома тузилади.
- 5.2. «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» ва «ИСТЕЪМОЛЧИ» қуйидаги ҳолларда бериладиган газ миқдорини қайтариши мумкин ва бунинг учун жавобгар бўлмайди:
  - А) АГТҚШга табиий газни етказиб берувчилар технологик жараёнида юзага келадиган авария ҳолатида, магистрал газ қувирларида, шахар газ, электр тармоқларида олдиндан ҳисобга олиб бўлмайдиган мажбуриятлар пайдо бўлганда.



- Б) Ёнгин , ер қимирлаш ва табиий офатлар бўлганда.
  - В) Магистрал газ қувирларида навбатдаги капитал таъмирлаш ишлари олиб борилганда, шахар газ, электр тармоқларида синов ишлари олиб борилганда ҳамда сварка ишлари олиб борилганда.
- 5.3. Томонлар ушбу шартнома шартларига риоя қилмаганда ёки тўлиқ бажармаслиги оқибатида келиб чиқадиган келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикаси қонунлари бўйича ҳал қилинади.

### 6. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

- 6.1. Ушбу шартнома томонлар тарафидан имъозоланган кундан бошлаб то 2022 йил 31 декабр кунига қадар амал қилади.
  - 6.2. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, бир нусхаси «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»да иккинчи нусхаси «ИСТЕЪМОЛЧИ» да сақланади. Ушбу шартномада қўзда тутилмаган масалалар юзасидан томонлар хозирда амалдаги қонунлар асосида иш олиб боради.
- Шартномага илова:
- А) «ИСТЕЪМОЛЧИ» лар ДАН томонидан рўйхатдан ўтказилган автомашиналарни газ серфи, микдори ва марқаси кўрсатилган ҳисоб-китобини.
  - Б) «ИСТЕЪМОЛЧИ» лар балансидаги автомобиллар русуми ва давлат белгиси кўрсатилган рўйхатини тақдим этади.

### 7. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ:

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» «ИСТЕЪМОЛЧИ»

“Марг Энерго Нефт” МЧЖ	Ёзёвон туман Ҳалқ таълими бўлими
Ёзёвон тумани, Гулистон к.ф.й. Тақалик қишлоғи.	Ёзёвон тумани, Муस्ताқиллик кўчаси
х\р: 20208000904735100001	х\р:234020003001000001010
	ШХВ:
	100022860302427096300075003
	Тошкент Марказий банки
	МФО: 00805, ИНН: 300972136
	МФО: 00014, ИНН:200169764
	ХХТУТ: 11232, ИФУТ: 35210
	Тел: +99890 535- 23-74
	Тел: 0 373 412-16-81, +99890 232-63-53 699
Раҳбар:  Х.Исақджанов	Раҳбар:  Ф.Юлдашев



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN  
TALABLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**  
**№NI30605667**

- 1. Loyihsning turi:** 19.01.2022 yildagi 7-sonli shartnoma.
- 2. Loyihsning nomi:** Xalq ta'lim bo'limining 19.01.2022 yildagi Siqilgan tabiiy gaz yetkazib berish bo'yicha 7-sonli shartnomasi to'g'risida.
- 3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi malumot:**  
Yozyovon tuman Xalq ta'lim bo'limi tomonidan 2022 yil 19 yanvar kuni ishlab chiqilgan va 2022 yil 20 yanvar kuni "E-huquqshunos" elektron tizim orqali huquqiy ekspertizaga taqdim qilingan.
- 4. Loyiha bo'yicha taklif:**  
Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra

**XULOSA:**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan hamda uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yozyovon tuman yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti**



**A.A.Gulamov**  
20.01.2022